



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**



**SIRDARYO VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH
HUDUDIIY MARKAZI**

**PEDAGOGLAR MALAKASINI OSHIRISH TIZIMIGA
INNOVATSION YONDASHUV: XALQARO TAJRIBALAR VA
RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya

2022-YIL 6-7-APREL

**INNOVATIVE APPROACH TO THE SYSTEM OF TEACHER
TRAINING: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND FUTURE
STRATEGIES**

International scientific-practical conference

APRIL 6-7, 2022

**ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В СИСТЕМЕ
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГОВ:
МЕЖДУНАРОДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ И
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ**

Международная научно-практическая онлайн конференция

6-7 АПРЕЛЯ 2022 ГОД

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI

**SIRDARYO VILOYATI XALQ TA’LIMI XODIMLARINI
QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH HUDUDIIY MARKAZI**

**PEDAGOGLAR MALAKASINI OSHIRISH TIZIMIGA
INNOVATSION YONDASHUV: XALQARO TAJRIBALAR VA
RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
2022-YIL
6-7-APREL**

**ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В СИСТЕМЕ ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГОВ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ**

**Международная научно-практическая онлайн конференция
2022 год
6-7-апреля**

**INNOVATIVE APPROACH IN THE SYSTEM OF ADVANCED
TRAINING FOR TEACHERS: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND
DEVELOPMENT PROSPECTS**

APRIL 6-7, 2022

Pedagoglar malakasini oshirish tizimiga innovatsion yondashuv: xalqaro tajribalar va rivojlanish istiqbollari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Guliston, Sirdaryo viloyat XTXQTMOHM.

Ushbu konferensiya to'plamida Sirdaryo viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi tomonidan tashkil etilgan — "Pedagoglar malakasini oshirish tizimiga innovatsion yondashuv: xalqaro tajribalar va rivojlanish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumaniga kelib tushgan tezis va maqolalar o'rin olgan. Mazkur xalqaro ilmiy-amaliy anjumanda pedagoglar malakasini oshirish, ta'lim samaradorligini oshirishga doir xalqaro va mahalliy ilmiy tadqiqotlarni to'plash, tajribalarni o'rganish, aniqlash va ommalashtirish, ta'lim samaradorligini ta'minlashda life-long learning – hayot davomida o'qish tamoyilining o'rni, o'qitish sifatini baholashning xalqaro standartlarini joriy etish asosida oliy ta'lim muassasalari faoliyatining sifati hamda samaradorligini oshirish, ta'lim bosqichlari uzviyligini ta'minlashda masofaviy ta'lim sifatini tubdan oshirish va takomillashtirishga oid xorijiy tajribalar bo'yicha to'plangan materiallar joy olgan. Ilmiy-amaliy konferensiya materiallaridan oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari, umumta'lim maktab o'qituvchilari, barcha tadqiqotchilar foydalanishlari mumkin.

Mas'ul muharrir: B.Nazarova - pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Tahrir hay'ati: B.Rahimov - pedagogika fanlari doktori, professor

K. Eshquvatov - pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

G.Berdaliyeva - (PhD) falsafa doktori, dotsent

A. Uralov - (PhD)falsafa doktori

I. Abduraimov - katta o'qituvchi

N.Yunusmetova – katta o'qituvchi

Taqrizchilar:

A. Uralov – SVXTXQTMOHM Tillarni o'qitish metodikasi kafedrasini mudiri, filologiya fanlari doktori (PhD).

D.O.Himmataliyev - Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti "Pedagogika va menejment" kafedrasini professori, pedagogika fanlari doktori.

Sirdaryo viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi Ilmiy-metodik kengashining 2022-yil 31-martda o'tkazilgan 3-sonli yig'ilishining qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

To'plamdan o'rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldir.

© SVXTXQTMOHM, 2022

3. Ma`naviyat: asosiy tushunchalar izohli lug`ati.-T.:”G`afur G`ulom”, 2009. 331 b.
4. Ibrohimov A. Vatan tuyg`usi.-T.:”O`zbekiston”, 1997.-111b.
5. B. Abdirimov. Ikki buyuk sarkarda yoxud Jaloladdindan Qutuzgacha. -T.:”G`afur G`ulom” 2021.229 b.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ИМКОНияТЛАР ВА МАВЖУД МУАММОЛАР

Кобилова Шахноза Худойшукуровна
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика
институтини Педагогика факультетини 2-курс магистрантини
kabilovashaxnoza4@gmail.com
Абдурахимова Дурдона, Бобохонова Мадина
Педагогика факультетини ДЕФ 1-курс
бакалавр босқичталабалари

Аннотация: Ушбу мақолада инклюзив таълимни жамият ҳаётига жорий этишнинг истикболли имкониятларини юзага чиқаришда тўсиқ бўлувчи ижтимоий педагогик муаммолар хусусида сўз юритилган бўлиб, педагогик таълим инновацион кластер доирасида (ПТИК) имконияти чекланган ўқувчиларни таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳамда педагогик жараёнда фаоллигини ошириш билан боғлиқ омилларни бартараф этувчи “Тўсиқсиз муҳит” концепцияси ва педагогик шарт-шароитлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Инклюзив, таълим, архитектуравий муаммолар, “тўсиқсиз муҳит” концепцияси, ташкилий-ҳуқуқий муаммолар, педагогик жараён, имконияти чекланган ўқувчи, педагогик таълим инновацион кластери (ПТИК), ҳамкорлик, ўқув дастурлар логистикаси, интенсивлик, изчиллик, меъёрий база.

Аннотация: В данной статье рассматриваются социально-педагогические проблемы, препятствующие реализации инклюзивного образования в обществе, педагогического образования в рамках инновационного кластера (ПТИК) для удовлетворения образовательных потребностей учащихся с ОВЗ, а также для повышения их участия в педагогический процесс. Анализируются понятие «безбарьерная среда» и педагогические условия.

Ключевые слова: Инклюзивное образование, архитектурные проблемы, понятие «безбарьерная среда», организационно-правовые вопросы, педагогический процесс, обучающиеся с ОВЗ, инновационный кластер педагогического образования (ПТИК), кооперация, учебная логистика, интенсивность, системность, нормативно-правовая база.

Annotation: This article discusses the socio-pedagogical problems that impede the implementation of inclusive education in society, teacher education within the framework of the innovation cluster (IPEC) to meet the educational needs of students with disabilities, as well as to increase their participation in the pedagogical process. The concept of "barrier-free environment" is analyzed. and pedagogical conditions.

Keywords: inclusive education, architectural problems, the concept of "barrier-free environment", organizational and legal issues, pedagogical process, students with disabilities, innovative cluster of teacher education (PTEC), cooperation, educational logistics, intensity, consistency, legal framework.

Инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари демократик жамиятда қонун билан қафолатланган. Барча соҳаларда бир хил имкониятлардан фойдаланиш, ўз ақл ва иқтидорини намойн этиши ҳамда ижтимоий–маънавий эҳтиёжларини қондириш тенглиги таъминланган. Шу нуқтаи назардан таълим олиш ва ундан давлат ва жамият эҳтиёжига мувофиқ йўналтириш, шахс сифатида ўзини намоеън этиш имконияти чекланган болаларга ҳам бир хил шарт – шароитлар яратишни тақозо этади. Бу масаланинг бирламчи руёби инклюзив таълимдир.

Албатта инклюзив таълимни амалиётга жорий этиш, таълим жараёнининг барча иштирокчиларига юқори талабларни қўяди. Тадқиқотчилар Т.Брандон ва Ж.Чарлтон таъкидлаганидек, инклюзив таълим жараёнида имконияти чекланган ўқувчилардан интеллектуал ва психологик сафарбарлик талаб этилса, соғлом ўқувчилардан – бағри кенглик, тушуниш ва ёрдам беришга руҳий тайёрлик талаб қилинади. Инклюзив таълим жараёни билан боғлиқ узоқ тарихга эга ва амалиётда маълум тажрибага эришган мамлакатларда ҳам ногирон ўқувчилар бўлган гуруҳларда ишлашда ўқитувчилар бир қатор муаммоларга дуч келишади[1].

Ушуб илмий нуқтаи назардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, инклюзив таълим давлат ва жамият олдида турган муаммоли вазиятлардан бири бўлиб, уни ташкил этишни психологик ва педагогик омилларини илмий тадқиқотлар асосида ўрганиб бориш тақозо этилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида инклюзив таълимга муҳтож бўлган болалар учун тенг ҳуқуқлилик масалалари белгиланиб ва амалий механизмлари яратилмоқда. Таъкидлаш лозимки, имконияти чекланган болалар соғлом болалар билан бир қаторда таълим олиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу яхши албатта. Аммо масаланинг иккинчи томонига ҳам эътибор бериш зарур, яъни инклюзив таълим учун зарур мобиллашган таълим муҳитини яратиш ҳамда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи хизмат кўрсатиш соҳалари мувофиқлигини таъминлаш масаласи бирламчи ўринга чиқиш керак.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, жамиятда инклюзив таълимни амалга оширишда “тўсиқсиз муҳит” концепциясини қонуний асосларини ишлаб чиқиш тақозо этилади. “Тўсиқсиз муҳит” концепциясида таълим инклюзиясининг муваффақияти учун зарур бўлган ижтимоий педагогик шарт-шароит ва омиллар мувофиқлиги, соҳалараро ўзаро интеграция ва трансформация ҳамда таълимий логистик масалаларни илмий-амалий асосда ташкил этиш зарур.

“Тўсиқсиз муҳит” - инклюзив таълимни жамиятда маъно-мазмунини ошириб, ижтимоий аҳамиятини янада юксалтиради. Бунда инклюзив таълимга жалб этилган ўқувчилар психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши, давлат ва жамиятга керакли инсон эканликларини, уларнинг иқтидори ва қобилияти инсоният истикболиги хизмат қилишини ҳар доим ҳис этиб, мавжуд имкониятдан фойдаланган ҳолда юқори натижаларни қайд этиши мумкин. Шунингдек, таълим олишга бўлган фаоллиги ортади ҳамда шахсий ва касбий билимларини чуқурлаштириш учун керакли маълумотларни олиши, тенгдошлари билан мулоқот қилиши, ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида иштирок этишини юзага чиқаради.

“Тўсиқсиз муҳит” - имконияти чекланган ўқувчилар учун қулай таълим олиш омили бўлиб, қуйидаги ва муаммоларни қай даражада ҳал этилиши билан тақозоланади.

Архитектуравий муаммолар:

- имконияти чекланган ўқувчиларни ногиронлик турларидан келиб чиқиб, уларнинг билим олиш ва қулай ҳаракатланиши учун бино инфратузилмасини инклюзив таълим талбларига жавоб бермаслиги;

- имконияти чекланган ўқувчиларнинг таълим олиш имкониятини тўлиқ таъминлайдиган ва уларни бошқалар қатори ёзиб-тушунтириб беришига имконият берувчи, замонавий ҳаракатланувчи (тушиб-кўтариладиган) доскаларни йўқлиги;

- кўп қаватли уйларда, ўқув биноларида, ўқув биносига олиб борадиган йўлларда ва ҳоказоларда пандус ва лифтларнинг йўқлиги;

- имконияти чекланган ўқувчилар “зарурий ва табиий эҳтиёжлари” учун эркин жисмоний ҳаракатланишда шарт-шароитни яратилмаганлиги (бошқалар ёрдамига доимий эҳтиёжни сақлаиб қолаётганлиги);

- ўқув хоналарида махсус жиҳозланган ўқув жойлари, жиҳозлар ва ўқув техник воситаларининг йўқлиги;

- ошхона ва кутубхоналар имконияти чекланган ўқувчиларнинг эркин ҳаракатига мулжалланмаганлиги ва

х.а.

Ташкилий ва ҳуқуқий муаммолар:

- имконияти чекланган ўқувчилар жалб этилиши мўлжалланган таълим муассасаларда инклюзиясини бошлаш учун етарли даражада тайёр эмаслиги;

- имконияти чекланган ўқувчиларни инклюзив ўқитиш амалиёти муаммосининг омиллари чуқур англалмаганлиги ҳамда зарурий ўқув дастурларини тайёрлаш, яратиш ва ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб қайта кўрилмаганлиги;

- инклюзив таълимга жалб этилган имконияти чекланган ўқувчиларни таълим интеграциясини ижтимоий-педагогик технологиялари ишлаб чиқилмаганлиги;

- инклюзив таълимга жалб этилган имконияти чекланган ўқувчиларни тўлиқ ўзларини намоён этишлари учун бандлик, ижтимоий муҳофаза, маданият, спорт, транспорт, минтақавий ривожланиш, таълим ва фан, молия, алоқа, оммавий ахборот воситалари каби ташкилотлар билан юзага келиш мумкин бўлган муаммоларни биргаликда ҳал этиш масалаларида мақсадли ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилмаганлиги;

- инклюзив таълимга жалб этилган имконияти чекланган ўқувчиларни таълим сифатини оширишда педагогик инновацион таълим кластери доирасида ташкил этилиши керак бўлган дастурларнинг мутлоқо йўқлиги;

- инклюзив таълимга жалб этилган имконияти чекланган ўқувчиларни ўқитиш учун таълим ресурсларини яратиш ва ўқув жараёнини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш имконияти мавжуд бўлган ОТМлар билан қўшма ва истикболли дастурларни ишлаб чиқилмаганлиги;

- инклюзив таълимга жалб этилган имконияти чекланган ўқувчиларни аралаш таълим дастури асосида сифатли таълим бериш борасида истикболли ўқув дастурларини мавжуд эмаслиги;

- имконияти чекланган ўқувчиларни ўқитишнинг инклюзив амалиётини зарурий таркибий қисмларини таъминлайдиган тузилмаларни замон талаби даражасида яратилмаганлиги;

- имконияти чекланган ўқувчилар учун электрон дарсликлар (аудио, видео) туркуми талаб ва эҳтиёж даражасида яратилмаганлиги ҳамда мақсадли дастурга мувофиқ ишлаб чиқилмаганлиги.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки таълимда инклюзив амалиётни жорий этиш ва ривожлантириш, янги таълим стандартларига ўтиш, самарасиз дастурларни қайта кўриб чиқиш, мамлакатимиздаги амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатга мувофиқлаштириш соҳа ходимларидан чуқур илмий тадқиқот изланишлари талаб этади. Таъкидлаш лозимки, бу борада нуфузли ОТМ ва ташкилотлар билан педагогик инновацион таълим кластери (ПТИК) доирасида ҳамкорлик ишларини ташкиллаштириш, ўқув дастурлар логистикасини ташкил этиш, инклюзив таълим мақсадидан келиб чиқиб интенсивлик асосида изчил ва ҳаётий ташкилий-меъёрий базани яратиш ҳамда амалиётган босқичма - босқич реализация этиб бориш тақозо этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Brandon T., Charlton J. The lessons learned from developing an inclusive learning and teaching community of practice // International Journal of Inclusive Education. – 2011. – Vol. 15. – № 1. – P. 165–178.
2. Hill D., Brown D. Supporting inclusion of at risk students in secondary school through positive behaviour support // International Journal of Inclusive Education. – 2013. – Vol. 17, Iss. 8. – P. 868–881.
3. Қодирова Ф., Ш.Кобилова “Повышение качества инклюзивного образования в условиях педагогического инновационного кластера” / PEDAGOGIK TA'LIM KLASTERI: MUAMMO VA YECHIMLAR. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya 2021-yil, 25-26 iyun. –Б.109-115.

4. Қодирова Ф., Ш.Кобилова “Таълим кластери асосида инклюзив таълимга жалб этилган ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш шарт-шароитлари” Инклюзив таълимнинг долзарб масалалари: муаммо ва уларнинг ечимлари, мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция / Материаллари тўплами.- Тошкент -2021, - Б.85-86
5. Мاستрюков Б.С. Безопасность в чрезвычайных ситуациях: 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Изд. центр «Академия», 2016. - 336 с.
6. Смирнов А. Т. Основы безопасности жизнедеятельности. 11 класс: учеб. для общеобразоват. организаций : базовый уровень / А. Т. Смирнов, Б. О. Хренников; под ред. А. Т. Смирнова. - М.: Просвещение, 2014. - 320 с
7. Толерантное сознание и формирование толерантных отношений (теория и практика) / под ред. С. К. Бондыревой. – М.: Изд-во Моск. психолого-социал. ин-та, 2002. – С. 186.
8. Усаров Ж.Э., Кобылова Ш.Х. Обеспечение безопасности жизни учеников с ограниченными возможностями и процессе инклюзивного образования и его факторы // Журнал научных и прикладных исследований, №11, 2021. –С. 19-21
9. Усаров Ж.Э., Эшнаев Н.Ж., Кобилова Ш.Х. “Педагогик инновацион таълим кластер лойиҳасини амалиётда қўллаш самарадорлиги ва истиқболлари” / PEDAGOGIK TA’LIM KLASTERI: MUAMMO VA YECHIMLAR. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya 2021-yil, 25-26iyun. 550-553 б.
10. Файзрахманова А.Т. Толерантное отношение к студентам с ограниченными возможностями здоровья как одно из условий инклюзивного образования в высшем учебном заведении // Инклюзивное образование – доступное образование – безбарьерная среда: материалы второй международной научно-практической конференции, г. Якутск, июнь 2014 г. – Якутск: Издательский дом СВФУ, 2014. – С. 214–217.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

А.Х.Ҳайитов

**ЎЗМУ мустақил тадиққотчиси
akish-88@bk.ru**

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай вос кечилиб, янгича тамойилларга, миллий кадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб, бор куч ва имкониятлар шу йўлда сафарбар этилиб келинмоқда. Мустақилликнинг илк даврларида мавжуд таълим соҳасидаги ижобий натижаларни сақлаб қолиш ва ўтмишдан қолган мероснинг салбий жиҳатларини ҳамда ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш учун жиддий чоралар қўрилди ва тегишли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан,

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш “Концепцияси”[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган.

Тасдиқланган “Концепция”да халқ таълими тизимининг узоқ муддатли ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, ушбу йўналишларнинг бири “Узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” га қаратилган бўлса, яна бир йўналиши “Халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш”га қаратилган. Шу билан бирга “Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш”га ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28-январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармонида ҳам таълим сифатини ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланди, хусусан 2022 йилнинг 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилиши. Ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 млрд сўм ажратилиши, ҳамда 141 мингта янги ўқув ўринлари яратилиши ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказилиши белгилаб берилган[2].

Аммо шунинг билан биргаликда, бугунги кунда халқ таълими муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсик бўлаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд, хусусан:

- умумтаълим муассасаларида математика, физика, кимё, информатика, инглиз тили ва бошқа чет тиллари каби фанлар бўйича педагог кадрлар етишмовчилиги кузатилмоқда;
- олий таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнига узоқ ҳудудлардаги талабалар учун ўқишга киришда имтиёзларнинг йўқлиги сабабли тоғ ва чўл ҳудудларидаги мактабларда ўқитувчиларга эҳтиёж юқори даражада қолмоқда;